

**БОЖХОНА ЧЕГАРАСИДА ТИРБАНДЛИКНИ ОЛДИНИ ОЛИШ,
БОЖХОНА НАЗОРАТИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА
РАҚАМЛАШТИРИШНИНГ ИННАВАЦИОН ЕЧИМЛАРИ**

A.Адашев

*Қорақалпоқистон Республикаси “Доут-ота”
чегара божхона пости инспектори*

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ижтимоий- иқтисодий, сиёсий ислоҳотлар ташқи иқтисодий фаолиятга, уни эркинлаштиришга ва ушбу йўналишда бундан кейин амалга ошириладиган ислоҳотларга янгича ёндашиш зарурлигини тақозо этмоқда. Бу ўз навбатида давлатнинг халқаро-ҳукуқ соҳасида ҳамкорлик қилиш ва Ўзбекистон Республикасида божхона ишини тартибга солиш муаммоларига давлат томонидан янгича ёндашувнинг пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда. Республикада ташқи иқтисодий фаолиятни либераллаштириш, инвестицион жозибадорликни ошириш ва мамлакатнинг экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш бўйича вазифалар тизимли равишда амалга оширилмоқда. Кўзланган вазифаларнинг муваффақиятли амалга оширилиши асосан божхона органлари фаолиятининг самарадорлигини янада оширишга бевосита боғлик.

Жаҳон тажрибаси кўрсатмоқдаки, иқтисодиётни янада эркинлаштириш экспорт салоҳиятини ривожлантириш ва миллий экспортчига ҳар томонлама кўмак бериш ҳалол тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, самарали ташқи иқтисодий фаолиятнинг асоси ва мамлакат иқтисодий хавфсизлигининг гарови бўлиб хизмат қиласди. Ўзбекистон учун бу ҳол алоҳида аҳамият касб этади, чунки фақат экспортни ривожлантириш орқали, ҳаёт учун муҳим товарлар импортини қисқартирган ҳолда савдо балансининг мусбат сальдосига эришиш мумкин. Бунинг учун биз янада кўпроқ хорижий инвестицияларни жалб этишимиз, янги истиқболли лойиҳаларни амалга оширишимиз, қолаверса, замонавий технологияларни жорий этиш орқали мамлакатимизда, импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни ишлаб чиқаришимиз керак бўлади. Шу билан бирга, божхона маъмуриятчилиги соҳасида мамлакатда қулай инвестиция муҳитини яратиш ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга тўскинлик қилувчи бир қатор тизимли муаммолар сақланиб қолинмоқда. Ушбу муаммоларга ечим излаш, уларни бартараф қилиш божхона органларининг олдида турган долзарб вазифалардан биридир, зеро божхона тадбиркорнинг таянчи ҳисобланади.

Охирги уч йилда Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо айланмаси 1,49 марта ёки 2023 йил 2021 йилга нисбатан 20,5 млрд АҚШ долларига ошди¹, божхона чегараси орқали харакатланаётган транспорт востилари оқими ҳам охирги йилларда бир неча баробарга ортди. Айниқса ёз ойларида пишиқчилик даврида чегара божхона постларида бир неча километрик узундан-узун навбатлар хосил бўлишини қузатишимиз мумкин.

Бу эса божхона чегарасида транспорт воситаларининг тирбандлигини

¹ <https://stat.uz/uz/matbuot-markazi>

ошишига ва божхона инспекторларини эса иш юкламаси ортишига сабаб бўлмоқда. Иш юкламасининг йилдан-йилга ортиши эса товар ва транспорт воситаларининг назоратсиз қолиб кетиши ва чиқиб кетишига, хорижий транспорт воситаларининг эса “*транспорт воситасининг қайтариб олиб чиқиб кетиши тўғрисидаги мажбуриятнома*”си ечилмасдан чиқиб кетишига олиб келмоқда. Биргина Андижон вилояти мисолида оладиган бўлсак 2017-2023 йиллар давомида Ўзбекистон Республикасига “Автотранспорт воситасини қайтариб олиб чиқиши тўғрисида мажбуриятнома” асосида олиб кирилган 442 та транспорт воситаси муддати ўтган холда назоратда қолмоқда. Бу эса ушбу йўналишда: экспорт юкларни ва мажбуриятномаларни назоратдан ечишни раҳмлаштиришни, тартиб таомилларни эса янада соддалаштиришни тақозо этмоқда.

Юқоридаги муаммолар сабаб, илғор хорижий давлатларда ва чегарадош давлатларнинг бу борадаги тажрибаси қандай эканлигини билиш мақсадида транспорт воситалари ҳайдовчилари билан сўров ўtkазилди ва сўров якунлари бўйича қўйидаги маълумотлар олинди.

Хитой тажрибаси

Хитой давлатида транспорт воситаларининг мамлакатга кириши ва қайтиб чиқиб кетишини назорат қилиш учун банк пластик карталари ёки оддий ўйин картасига ўхшаш маҳсус карталардан (*ҳайдовчиларнинг оззаки маълумотига кўра “K” карта*) фойдаланилади. Ушбу картадан Хитой давлатидан юк олиб келувчи ҳар бир транспорт воситаси фойдаланишга мажбур ва бу картанинг нархи 200-250 АҚШ долларида бўлиб, транспорт воситаси ҳайдовчиси уни Хитойга биринчи марта кирганда сотиб олади. Ушбу карта орқали ҳар бир транспорт воситасига учун алоҳида идентификацион номер берилади. Ушбу карта кўп марталик фойдаланиш учун берилади, агар ҳайдовчи маҳсус картани йўқотиб қўйса янги карта олиши керак. Транспорт воситаси Хитой божхонаси кириб, автотарозидан ўтганда ушбу картани маҳсус техник восита орқали ўқитади, маҳсус техник восита тарози маълумотларини (*транспорт воситаси бўши вазнини*) картага ёзиб боради.

1-расм



1-расм. Хитой давлатига кириши учун транспорт воситаларига бериладиган маҳсус идентификацион карта.

Шунданг сўнг транспорт воситаси Хитойга кириб товар олиб келиш учун божхона терминалларига борада. У ерда транспорт воситасига экспорт товарлар юкланади ва товарлар юкланган экспортга тайёр транспорт воситаси божхона терминалига ўрнатилган автотарозидан ўтади, транспорт воситаси ҳайдовчиси

² Хитой давлатига кириш учун транспорт воситалари ишлатадиган маҳсус картанинг олд ва орка томонидан кўриниши

картани Хитой божхона хизмати ҳодимиға ёки терминал ҳодимларига тақдим этади. Божхона ҳодими маҳсус карта маҳсус карта орқали транспорт воситасининг чегарадан юксиз киргандаги вазни айириб, товарнинг ҳақиқий вазнига доир юк кузатув хужжатлари ва экспорт декларация маълумотларини божхона базасига ва бир вақтнинг ўзида маҳсус карта хотирасига киритади. Транспорт воситаси товарни олиб қайтишда (*Хитой чегара божхона постидан чиқиб кетишида*) яна маҳсус карта орқали божхона ва ИКМ (*инспекцион кўрик мажмуаси*) назоратидан ўтади. Транспорт хайдовчиси юк кузатув хужжатларини расмийлаштириш учун хужжатларни қўтариб юрмайди, транспорт воситасидан фақатгина паспорт назоратидан ўтиш учунгина тушади, қолган барча назорат маҳсус карта орқали электрон қўринишида онлине шаклда бўлади. Бунинг учун, Хитой божхона постига кириб, барча назорат шакллари якунланиб чиқиб кетиш учун бор йоғу 5-10 дақиқа (*бизда бир транспорт воситасига ўртacha 20-30 дақиқа сарфланади*) вақт сарфланади. Тарози маълумотлари транспорт воситасининг аввал киришдаги бўш вазни маҳсус карта хотирасига ёзилганлиги сабабли, юк олиб қайтишда, картани маҳсус техник восита орқали ўқитганда дастур онлине шаклда тарози маълумотларини умумий оғирлиги, юк вазни, транспорт воситасининг бўш вазни (тараси) қўринида чиқариб қофозга чоп этиб беради.

2-расм



3



2-расм. Хитой давлатида чиқиши божхона постида маҳсус картани ўқитиши орқали олинган тарози маълумотлари.

³ Хитой божхонасининг маҳсус карта орқали қайд этилган тарози маълумотлари

Евроосиё иқтисодий иттифоқи тажрибаси (Кирғизистон Республикаси мисолида)

Кирғизистон Республикасида бир божхона постида назоратга қўйилган транзит декларация қофоз нусхаси транспорт воситаси ҳайдовчисига чиқариб берилади. Кирғизистон транзит декларациясининг чап томонида маҳсус штрих код мавжуд бўлиб, назоратга қўйилган транспорт воситалари чиқиш божхона постида маҳсус аппарат ёрдамида штрих кодни ўқитиш орқали амалга оширилади ва транспорт воситасини чиқиш божхона постига етиб келганлиги шу орқали қайд этилади. Юқоридаги амаллар учун бор йўғи 2-5 дақиқа вақт сарф этилади. **3-расм**

ДЕКЛАРАЦИЯ НА ТОВАРИ	
1. Номер документа	2. Номер транзитного
3. Дата выдачи	4. Дата выдачи
5. Вес в кг	6. Грузоподъемность
7. Коды	8. Коды
9. Вид транспорта на доставку	10. Коды
11. Страна назначения	12. Страна назначения
13. Страна следования	14. Страна следования
15. Страна перевозки	16. Страна перевозки
17. Коды	18. Коды
19. Коды	20. Коды
21. Коды	22. Коды
23. Коды	24. Коды
25. Коды	26. Коды
27. Коды	28. Коды
29. Коды	30. Коды
31. Коды	32. Коды
33. Коды	34. Коды
35. Коды	36. Коды
37. Коды	38. Коды
39. Коды	40. Коды
41. Коды	42. Коды
43. Коды	44. Коды
45. Коды	46. Коды
47. Коды	48. Коды
49. Коды	50. Коды
51. Коды	52. Коды
53. Коды	54. Коды
55. Коды	56. Коды
57. Коды	58. Коды
59. Коды	60. Коды
61. Коды	62. Коды
63. Коды	64. Коды
65. Коды	66. Коды
67. Коды	68. Коды
69. Коды	70. Коды
71. Коды	72. Коды
73. Коды	74. Коды
75. Коды	76. Коды
77. Коды	78. Коды
79. Коды	80. Коды
81. Коды	82. Коды
83. Коды	84. Коды
85. Коды	86. Коды
87. Коды	88. Коды
89. Коды	90. Коды
91. Коды	92. Коды
93. Коды	94. Коды
95. Коды	96. Коды
97. Коды	98. Коды
99. Коды	100. Коды

3-расм. Кирғизистон Республикаси транзит декларациясидаги маҳсус штрих код.